

“ХИЗБУТ ТАҲРИР” ДАЪВОЛАРИГА РАДДИЯЛАР

(Халифалик борасида)

Бугунги кунда ўзларини аҳли сунна вал жамоа таркибида деб даъво қилиб, ислом давлатини барпо этишга ва ислом дини ақидасига зид ишларга даъват этаётган “Хизбут таҳрир” оқими ва унинг домига тушиб қолганларда атрофидагиларга нисбатан нафрат туйғуси шаклланиб қолган. Улар бошқаларни исломга, имон-эътиқодга чақиришади-ю, аммо қалбларида ўзи ваъз қилаётганларга нисбатан нафратни сақлайди. Уларнинг хатти-ҳаракатлари, даъволари ва эътиқоди аҳли сунна вал жамоа манҳажига хилоф бўлиб, мақсадлари мусулмонларга яхшилик эмас, аксинча улар орасида турли тафриқа ва зиддиятларни келтириб чиқариш эканлиги кўпчиликка маълум бўлиб турибди.

“Хизб” арабча “партия”, “таҳрир” “озодлик” маъноларини англатади. Вақтида Фаластин озодлиги даъвосида бу фирмә тузилган. Кейин асосий мақсад бир четда қолиб, оламшумул хаёлий ғояни, яъни халифалик қуриш дастак қилиб олинган. Қайсиdir маънода у коммунизм ғоясига ўхшайди. Бу ғоя тарғиботчилари бир вақтлар “коммунизм жаннатга

ўхшаш бир ҳаёт, ҳеч бир муаммо бўлмайди”, дейишарди. Албатта, бу уйдирмадан бошқа нарса эмас.

Хозирги пайтга келиб “Хизбут таҳрир” ва унга ўхшаган бошқа бузгунчи ташкилотлар ўзларининг исломга зид бўлган вайронкор ғояларини тарқатиши ва ёшларни тузоққа илинтириши йўлида интернетдаги ижтимоий тармоқлардан кенг фойдаланмоқда. Улар исломга зид даъволари, аҳли сунна ақидасига тўғри келмайдиган қарашлари ва ўз ғояларини ислом шиорлари билан ниқоблаб, ижтимоий тармоқларда чиройли суратда маъруза қилиш орқали айрим илмсиз кишиларни ўз домига тортиб бормоқда.

Авваламбор шуни айтиши керакки, Куръони каримда “Динни барпо қилингиз ва унда фирмә- фирмәга бўлинмангиз!”¹ деган ҳукм бор. Аҳли сунна вал жамоадан ажралиб чиқиб, бошқа оқимлар йўлига кириши ҳеч кимга фойда келтирган эмас, аксинча фақат зарар келтиради. Агар сиз, 10-15 йил аввал шу йўлга кирган, билим ва тушунчаси, ҳаёт тажрибаси тўлишган кишилар билан ҳамсуҳбат бўлсангиз, бу хаёлий нарса эканини, шу нарсага ундан- ган даъватчилар эса, бошингга иш тушса, кунингга ярамаслигини, мудом парда ортида туришини айтади. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, сўнгги

¹ Шўро сураси. 13-оят.



йилларда бу ҳақиқатни англаб етиб, “Хизбут таҳрир”дан қайтаётган кишилар кўпайди. Уларнинг аксарияти боши берк кўчага кириб қолганига иқрор бўлиши моқода.

Аллоҳ таолога беадад ҳамду санолар бўлсинки, сиз бу ислом умматини хатокор, адашган, динда чуқур кетган ҳолатда ҳеч қачон кўрмайсиз. Уммат орасидан мабодо бирортаси шундай ҳолатга тушса ҳам, Аллоҳ таоло бундай адашган мусулмонларни ўз фазлу инояти билан залолат – хато йўлдан қайтариб, уларга ҳидоят – тўғри йўлни кўрсатадиган забардаст уламоларни ҳам чиқариб қўйди.

Биз ҳам хизбут таҳрирнинг мақсадларини мусулмон биродарларимизга янада очикроқ Англатиш учун қуида бу оқимнинг ислом динига, очикдан очиқ Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳадисларига зид даъволарини келтириб ўтишни мақсадга мувофиқ деб топдик. Шояд айрим адашган кимсалар бу оқимларнинг асл мақсадларини англаб етсалар.

“Хизбут таҳрир” халифалик давлати ўрнатишни даъво қилишади. Буғоя уларнинг асосий мақсадидир. Аслида мусулмонларга халифаликни тиклаш вожиблигига далолат қилувчи бирон оят ҳам, ҳадис ҳам мавжуд эмас. Аксинча, барча шаръий далиллар таҳлил қилинса, бу даъво ислом шариатига зид эканлиги маълум бўлади.

Маълумки, ислом дини аввалида мусулмонлар жамиятининг бошқаруви бевосита пайғамбари-миз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам бошқарувларида бўлган. У зот вафотларидан сўнг, мусулмонлар жамияти халифалар бошқарувига ўтди. Кейинчалик ислом сарҳадлари кенгайиб, халифалик ҳам турли ҳудудларга бўлиниб кетди ва алалоқибат мусулмон ўлкаларида номи халифалик, бошқарув тузуми мулкчиликка, маълум бир ҳудудларга асосланган подшоҳликлар вужудга келди. Улар расман халифалик деб номланса-да, аслида давлат бошқаруви подшоҳлик тузуми эди. Вақтлар ўтиши билан у давлатлар халифалик деб аталмай, ўз номи билан подшоҳлик, сultonлик деб юритила бошланди. Аслида ҳам шундай бўлиши керак эди. Чунки, айтиб ўтганимиздек, у давлатлардан фақат халифалик деган номи қолган эди, холос.

Ҳар бир тузум ва ҳар бир жамиятда бўлгани каби кейинчалик бундай давлат бошқарувларидан норози бўладиганлар пайдо бўла бошлади. Улар ўз норозиликларини жамиятда халифалик бошқарувини жорий қилиш ғояси асосида изхор қилишди, ҳатто бу ғоя ортига ўзларини ғаразли мақсадларини яширишди. Улар Ислом тарихини энг гуллаб яшнаган даври халифалик бошқарувини яна амалда қайта жорий қилиш ва шу орқали гўёки мусулмонларни ягона бир давлатга бирлаштириб,



қудратли халифалик давлати тузиш даъволари остида турли хил фитнали ҳаракатлар, уруш ва хунрезликларни амалга оширди. Бу даъво остида қанчадан-қанча бегуноҳ инсонлар қони, хоссатан тинч аҳоли, болалар, аёллар, қариялар қони тўкилди, мусулмон халқлари яшайдиган обод ўлкалар вайрон бўлди. Бунга яқин ўтмиш ҳам гувоҳ. Шахсияти номаълум бир гуруҳ кимсалар томонидан халифалик бошқарувига қайтиш даъволари, шуни сабаб қилиб жиҳодга чорлаш, интернет саҳифаларида ҳозир ҳам тез-тез кўзга ташланиб туради. Ҳолбуки, халифалик ва у даврга қайтиш даъволари айрим тоифаларнинг ҳокимиятни эгаллаш йўлидаги асосий ғоявий қуролига айланиб улгурган. Уларнинг бу даъволарига қарши чиқсан ҳар қандай киши, ҳатто ислом динининг забардаст уламолари ҳам ҳеч иккиланмасдан кофирга чиқарилиб, имкон топилганлари ўлдирилди. Ҳолат бу умматнинг олимлари, ҳатто аёллари ва болалари ўлдирилиш даражасигача етиб келган бўлса-да, ҳали- ҳануз уларнинг тузофига тушаётганлар топилмоқда. Ҳолат шу даражага келган бўлса-да ҳали ҳануз халифалик масаласи ислом динига эътиқод қилувчи мусулмон халқлари орасидаги айрим жоҳил кимсалар учун баҳсли масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

“Хилофа, халифа” – (الخليفة) сўзи лугатда “ўринбосар” маъносини англатади. Ушбу сўз

Күръони каримда қуидаги оятларда келган:

﴿وَإِذْ قَالَ رَبُّكَ لِلْمَلَائِكَةِ إِنِّي جَاعِلٌ فِي الْأَرْضِ خَلِيفَةً قَالُوا أَتَجْعَلُ فِيهَا مَن يُفْسِدُ فِيهَا وَيَسْفِلُ الْدِمَاءَ وَنَحْنُ نُسَيْحُ بِحَمْدِكَ وَنُقَدِّسُ لَكَ قَالَ إِنِّي أَعْلَمُ مَا لَا تَعْلَمُونَ﴾ (۳۰)

Эсланг, (Эй, Мұхаммад) Раббингиз фаришталарга: “Мен ерда халифа (Одам) яратмоқчиман», - деганида, (улар) айтдилар: “Унда (Ерда) бузғунчилик қиласынан (ноңақ равищда) қонлар түқадиган кимсани яратмоқчимисан? Ҳолбуки, биз Сенге ҳамдинг билан тасбеҳлар айтамиз ва Сени муқаддас деб биламиз. (Аллоҳ) айтди: “Мен сизлар билмаган нарсани биламан”².

﴿يَدَاوُدُ إِنَّا جَعَلْنَاكَ خَلِيفَةً فِي الْأَرْضِ فَاحْكُمْ بَيْنَ النَّاسِ بِالْحَقِّ وَلَا تَتَّبِعْ الْهَوَى فَيُضِلُّكَ عَن سَبِيلِ اللَّهِ إِنَّ الَّذِينَ يَضِلُّونَ عَن سَبِيلِ اللَّهِ لَهُمْ عَذَابٌ شَدِيدٌ بِمَا نَسُوا يَوْمَ الْحِسَابِ﴾ (۶)

Эй, Довуд! Дархақиқат Биз сени ерда халифа қилдик. Бас, сен (нафсы) ҳавога әргашиб

² Бақара сураси. 30-оят.



кетмагин! Акс ҳолда, у сени Аллоҳнинг йўлидан оздиур. Албатта, Аллоҳ йўлидан озадиган кимсалар учун ҳисоб кунини унутиб қўйганлари сабабли қаттиқ азоб бордир³.

Ушбу суралардаги оятлар мазмунидан келиб чиқиб, халифа ўз нафсини жиловлай олган, ер юзида бузғунчиликни ҳар қандай кўринишига ва ноҳақ қон тўкишга мутлақо қарши бўлган киши, деб ҳам таъвил қилиш мумкин. Демак, халифа аввало ўзини тақводорлиги билан халқ орасида танилган, Аллоҳ таолонинг розилиги йўлида ер юзини ислоҳ этадиган, адолат ва ҳақиқат билан ҳукм юргизадиган, халқлар орасида эзгуликни тарқатадиган кишидир.

Амалда эса бу сўз Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам вафотларидан сўнг у зотнинг ўрнига дин ва дунё ишларини бошқариш учун сайланган кишига нисбатан айтилади⁴.

Халифаликка сайланиш учун қуйидаги шартлар топилиши лозим бўлган⁵: илм, адолат, халқни ҳимоя қилиш ва душманга қарши туришга қодирлик, ҳам жисмонан, ҳам маънан соғломлик, Қурайш қабиласидан бўлиш⁶. Халифаликка келиш юқорида

³ Сод сураси. 26-оят.

⁴ Ваҳба аз-Зухайлий. Фикҳу-л-исломийи ва адиллатуху. Дорул-фикр. Дамашқ. 8-жуз. –Б 468.

⁵ Имом Саъдуддин ат-Тафтазоний сўзи. Мұхаммад Рашид ибн али Ризо. Мажаллату-л-минор. 27-жуз. –Б 208. / Аршифу мултақо аҳлил-ҳадис. 3-жуз. –Б 337.

⁶ Халифаликка номзод қурайш қабиласидан бўлиши кераклиги ҳадис билан далилланган. Аммо уламолар бу ҳадисни сахих эмас, дейишади.

күрсатилган шартлар билан бир қаторда омма томонидан сайланиш ва байъат қилиш орқали амалга оширилган.

Сафина розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни: “Мендан сўнг халифалик ўттиз йилдир. Ундан кейин подшоҳликлар бўлади”, деб айтаётганларини эшитдим. Абу Бақр халифалиги икки йил, Умарнинг халифалиги ўн икки йил ва Али розияллоҳу анхунинг халифалиги олти йил давом этди, деди. Ровийлар санадидаги Али ибн Жаъд: Ҳаммод ибн Саламадан: Охирги сўзни Сафина айтганми? деб сўрадим, деди. Ҳаммод: Ҳа, деб жавоб берди⁷.

Ҳадисда Расули акрам соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўзларидан сўнг мусулмонларда давлат бошқаруви халифалик қўринишида ўттиз йил давом этиши, ундан сўнг халифалик бошқаруви тугаб бошқарув подшоҳлик шаклида бўлиши таъкидламоқда ҳамда давлат тузуми ўша тузумда бўлиши маъқул эканлигига ишора қилмоқда. Биз эътибор қилишимиз лозим бўлган яна бир жиҳат мавжуд бўлиб, у бугунги кунда халифалик давлатини қуришни даъво қилаётган кимсалардир. Уларнинг бу сўzlари ушбу ҳадисга номувофиқ, аксинча

⁷ Абу Ҳотим Муҳаммад ибн Ҳиббон. Саҳиҳ ибн Ҳиббон би тартиби Ибн Булбон. 15-жуз. –Б 392. 6943-ҳадис. Санади ҳасан ҳадис, Имом Зоҳид Абу Исҳоқ Саффор Бухорий. Талхийсул адилла лиқвойдит тавҳид. Ал-Мактабатул азҳарийя. 2016. Б.756



Расулуллоҳ сўзларига қарши сўздир.

Бу ерда ростгўйларни энг ростгўйроғи бўлган Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам “мендан кейин халифалик ўттиз йил”, яъни ундан сўнг ҳеч қанақа халифалик бўлмайди, деб “ёлғон” гапирдиларми ёки халифалик қурамиз деб мусулмонларнинг қўйинини пуч ёнгоқقا тўлдираётганларни даъвоси ботилми? Ўз-ўзидан маълумки, пайғамбаримиз ҳеч қачон ёлғон сўзламаган. Аммо шундай бўлса-да бу даъвони кўтариб чиқаётган, таъбир жоиз бўлса, Пайғамбаримизни юқорида айтган сўзларини инкор қилиб, у зотни ёлғончига чиқараётган кимсаларга эргашаётганлар ҳам топилиб турибди.

“Хизбут таҳрир” партиясини вужудга келишидаги яна бир нозик нуқтани диққат билан кўриб чиқамиз. “Хизбут таҳрир” партиясининг асосчиси Тақиюддин Набаҳоний (1909-1979) социолог олим бўлганлигини, “Хизбут таҳрир” партияси эса диний эмас, сиёсий ташкилот эканлигини ҳам алоҳида эътиборга олишимиз керак. Маълумки, социализм таълимотида феодализм (ёки капитализм)дан социализмга, социализмдан коммунизмга, яъни икки босқичдан сўнг коммунизм тузумига ўтиши гояси мавжуд. Карл Маркс ва Фридрих Энгельс гоялари таъсирда улгайган Набаҳоний уларнинг гоясини ўзи

түгилиб ўсган халқлар орасида тарзиб этмоқчи бўлади. Аммо араблар дахрийликка асосланган коммунистик мағкуруни қабул қилмаслигини яхши билгани учун уни ислом динига мослаштиришга ҳаракат қиласди, қисман буни уддасидан чиқади, десак янгишмаймиз. Агар таққослаб кўрсак, социализм тарзиботчилари, юқорида айтиб ўтганимиздек, икки босқичдан сўнг халқларни коммунизмга етказиши гоясини ишлаб чиқсан. Набаҳоний эса мазкур ҳадисда айтилган “икки подшоҳлик”ни ўз мақсади йўлида таъвил қилиб, социалистларнинг гоясига мослаштиради ва уларнинг таълимотидаги “коммунизм қуриш”ни “халифалик қуриш” дея талқин қилган. Карл Маркс ва Фридрих Энгельс гояси пуч гоялардан иборат эканлиги, коммунизм қуриш шунчаки чўпчак эканлигини вақт кўрсатиб берди. Мухтасар қилганда, “чўпчак” таъсиридан вужудга келган ҳизбчиларнинг бу гоясига эргашиши ҳам саҳрода саробга интилиш билан баробардир.

Ислом тарихида бўлган хаворижлар ва ундан бошқа адашган оқимларда бўлгани каби ҳозирги даврда ҳам халифалик даъвосини кўтариб чиқаётган адашган оқимларнинг асл мақсадлари мусулмонлар манфаатидан бошқа нарса эканлигини дунёнинг нуфузли уламолари



таъкидлашмоқда. Ҳар бир мўмин мусулмон киши уларнинг ботил даъволаридан огоҳ бўлиб, ўзи ва масъул бўлганларини бундай кимсалар алдовига илиниб, нотўғри йўлга кириб қолишдан сақлаш чораларини кўриши бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан ҳисобланади.

**Тоҳир ЭВАДУЛЛАЕВ,
Нодир ҚОБИЛОВ,**

Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот
маркази илмий ходимлари

telegram.me/bukhariuz
 facebook.com/bukharicenter

instagram.com/bukhari.uz
 youtube.com/@bukhariuz